

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Farg'ona HETK" AJ

Объявление

"FARG'ONA HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORHONASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

БОШ ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ

«Фаргона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ жамият бош директори лавозимига ТАНЛОВ эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Фаргона ХЭТК» АЖ Уставига асосан Бош директор лавозимига танлов эълон қилади. Танловга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек танловга иштирок этиш хохиши бўлган чет эл фуқаролари ҳам таклиф этилади.

НОМЗОДЛАР УЧУН ТАЛАБЛАР:

- Ўзбекистон Республикасида олий техник ёки олий муҳандислик иктисодиёт институтлари маълумоти ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан эквивалент тариқасида олий деб тан олинувчи чет эл ўқув юрларини тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган шахс;
- соҳа бўйича раҳбарлик лавозимларида иш тажрибаси камида 3 йил;
- ёши 30 ёшдан кам 55 ёшдан кўп бўлмаган;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда корпоратив бошқарув тизими тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш;
- ўз ишига содиқлилик, яратувчанлик, фикрлилик, ташаббускорлик;
- ўзбек ва рус тилларини мукамал билиши;
- компьютер билан ишлашни билиши;

Лавозимда иш тартиби:

Иш тартиби: 5/2, доимий Соат 8-00 дан 17-00 гача.

Хужжатларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига мувофиқ.

Ойлик маоши: штат жадвалига кўра.

Тақдим қилиниши керак бўлган хужжатлар.

Танловда қатнашиш учун Кузатув кенгаши номига ариза;

Маълумот тўғрисидаги диплом ва хужжат нусхалари (нотариал тасдиқланган);

Фуқаролик паспортдан нусха;

Охирги иш жойидан тавсифнома;

Иш режалари хақида қисқача маълумот;

Иштирокчининг шахсий варақаси.

Манзил:Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

Телефон:(0-373) 244-84-62 (Ходимларни бошқариш бўлими).

Факс:(0-373) 244-38-21

Электрон почта манзили: feres2015@inbox.uz

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 2021 йил 01 апрельгача.

Барча тақдим қилинган хужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилиб қарор қабул қилинади.

17.02.2021

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/10668/>

Дата: 25.06.2026